



Procedural-legal aspects of strengthening judicial control over preliminary investigation and inquiry

Laylo YAXSHIBAYEVA¹

Higher School of Judges under the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2023

Received in revised form

15 December 2023

Accepted 20 January 2024

Available online

15 February 2024

Keywords:

judicial control,
preliminary investigation,
the Institution of Habeas
Corpus.

ABSTRACT

This article examines judicial control, which is practiced at various stages of the criminal process in order to protect the constitutional rights and freedoms of citizens, ensuring the legality, reasonableness and fairness of court decisions. This control is exercised both in relation to the preliminary investigation and to court decisions, regardless of their legal force. An important aspect is the determination of the legal nature of this control, which is carried out on the basis of an analysis of the opinions of scientists both from Uzbekistan and from foreign countries. The article examines in detail the experience of advanced foreign countries and the problems of judicial control as a form of exercise of judicial power and also draws scientific and theoretical conclusions.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss1/S-pp184-189>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Дастлабки тергов ва суриштирув устидан суд назоратини кучайтиришнинг процессуал-ҳуқуқий жиҳатлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

суд назорати,
дастлабки тергов,
хабеас корпус институти.

Мазкур мақолада суд назорати – жиноят процессининг деярли барча босқичларида амалда бўладиган, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган, қарорлар, ҳаракат ва ҳаракатсизлик ҳамда дастлабки тергов ва суд қарорларининг (кучга кирган кирмаганлигидан қатъи назар) қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини кафолатлашга хизмат қиладиган фаолият сифатида эътироф этилгандагина унинг ҳуқуқий табиати очиб

¹ Trainee, Higher School of Judges under the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan.

беришга ҳаракат қилинган. Муаллиф томонидан Ўзбекистон ва ҳорижий олимларнинг дастлабки тергов ва суриштирув устидан суд назоратининг ҳуқуқий категорияларга оид фикр-мулоҳазалари таҳлил қилиниб, илмий мунозарага киришилган. Жумладан, суд назорати суд ҳокимиятини амалга оширишнинг мустақил шакли сифатида илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, илмий-назарий хулосаларга келинган.

Процессуально-правовые аспекты усиления судебного контроля за производством предварительного следствия и дознания

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:
судебный контроль,
предварительное
расследование,
институт habeas corpus.

В данной статье рассматривается судебный контроль, который практикуется на различных стадиях уголовного процесса с целью защиты конституционных прав и свобод граждан, обеспечения законности, разумности и справедливости судебных решений. Этот контроль осуществляется как по отношению к предварительному следствию, так и к решениям суда, независимо от их законной силы. Важным аспектом является определение правовой природы этого контроля, которое проводится на основе анализа мнений ученых как из Узбекистана, так и из зарубежных стран. В статье подробно рассматривается опыт передовых зарубежных стран и проблемы судебного контроля как формы осуществления судебной власти, а также делаются научно-теоретические выводы.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган жамият ҳаётини демократлаштириш жараёни қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали фаолияти, шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан узвий боғлиқ. Бу вазифаларни ҳал қилишда жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритишга жалб қилинган фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояланишини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этадики, ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситалари ва шакллари бундай имкониятни таъминлайди. Шу маънода ҳуқуқий ҳимоя қилиш шакли сифатидаги шикоят қилиш ва судгача иш юритишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатидаги шикоят қилиш институти алоҳида илмий ва амалий диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли.

Ҳар ким давлат органларининг ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга.

Мамлакатимизда суд ҳимоясида бўлиш, яъни ишни судга қадар юритиш босқичида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишини кафолатлаш, “Ҳабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш мақсадида кенг қўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, суд назоратининг шакллари ва суд назоратини амалга оширувчи субъектларни белгилаш, суд назоратининг амалдаги механизмлари самарадорлигини ошириш, унинг предмети ва чегарасини кенгайтириш, мазкур фаолиятнинг изчиллигини таъминлаш, ишни судга қадар юритишга масъул мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқишни тартибга солиш, процесс иштирокчиларининг судга шикоят бериш ҳуқуқини таъминлаш масалаларини тадқиқ қилиш зарурати мавжуддир. Республикаимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичида “Ҳабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, прокурор, суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан бевосита судга шикоят қилишни назарда тутувчи тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш вазифаси қўйилган.

Суд-тергов амалиёти таҳлили жиноят-процессуал қонунида жиноят процессининг судгача босқичларида шикоят қилиш борасида муаммолар бисёр эканлигини кўрсатади. Бизнинг назаримизда, бу муаммолар замирида асосан жиноят процессининг судгача босқичларида жиноий таъқибни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш институти назарий жиҳатдан атрофлича ва батафсил ишлаб чиқилмаганлиги ётади.

Жиноят судлов ишларини юритиш бешта мустақил, лекин бир-бири билан узвий боғлиқликда ҳамда кетма-кетликда фаолият кўрсатадиган босқичлардан иборат. Буларга:

- 1) жиноят ишини қўзғатиш;
- 2) дастлабки тергов;
- 3) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва суд муҳокамаси;
- 4) ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш;
- 5) ҳукмни ижрога қаратиш киради.

Бу босқичларнинг ҳар бири мустақиллиги, ўзига юклатилган ва фақат унга хос бўлган вазифаларнинг белгиланганлиги, процессуал ҳужжатларининг мавжудлиги, иштирокчиларининг тайинлиги ва ҳоказолар билан тавсифланади. Уларнинг бири-бири билан узвий боғлиқлиги ва кетма-кетлиги шундаки, бир босқич иккинчи босқичга хизмат қилади, бир босқич якунланмасдан туриб, иккинчи босқич бошланмайди, ҳар бир босқичнинг якуний ҳужжати иккинчи босқич фаолиятининг бошланишига асос бўлади. Масалан, жиноят ишини қўзғатиш қарори бўлмасдан туриб дастлабки терговни олиб бориш мумкин эмас, суд муҳокамасини ўтказмай якуний ҳужжат бўлмиш ҳукм чиқарилмайди, ҳукм устидан шикоят ёки протест тушмаса, ҳукм, ажрим ва қарорларни текшириш босқичи бошланмайди, ёки ҳукм кучга кирмаса, уни ижрога қаратишнинг имконияти йўқ. Суд назоратини дастлабки тергов ва суриштирув босқичига жорий қилиш жиноят процессининг бошқа босқичлари ўртасида узвий боғлиқликни вужудга келтиради, натижада назоратнинг сифати ошади, мақсадлар тизими самарали бўлади.

Жиноят судлов ишларининг ҳар бир босқичи ўз олдида қўйган вазифани аниқ, ўз вақтида, чинакам, қонунда белгиланган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда бажарса, босқичлар ўртасидаги узвийлик йўқолмайди, ҳамда процессуал фаолиятнинг натижаси ҳамisha сифатли ва самарали бўлади. Дастлабки терговда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликларни кейинчалик бартараф қилиш мушкул бўлади. Бу эса ҳукми бекор бўлишига асос бўлади. Дастлабки терговнинг сифатига баҳо фақат суд муҳокамасида берилади. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи ҳам бундан мустасно эмас [1].

Жиноят процессининг деярли барча босқичларида суд назорати элементлари мавжудлиги тўғрисидаги фикрга [2] қўшилган ҳолда ишни судга қадар юритиш босқичида бу назоратни қандай шакл ва тартибда амалга оширилишини кўриб чиқиш зарур. Адабиётларда бу жумланинг ўзи ҳам турлича талқин қилинган. Масалан, “Ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати”, [3] “дастлабки тергов ҳужжатлари устидан суд назорати”, [4] “дастлабки терговнинг қонунийлиги устидан суд назорати”.

Суд назорати – жиноят процессининг деярли барча босқичларида амалда бўладиган, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган, қарорлар, ҳаракат ва ҳаракатсизлик ҳамда дастлабки тергов ва суд қарорларининг (кучга кирган кирмаганлигидан қатъи назар қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини кафолатлашга хизмат қиладиган фаолият сифатида эътироф этилгандагина унинг ҳуқуқий табиати ойдинлашади.

Дастлабки терговдаги суд назоратининг асосий мақсади:

- 1) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш;
- 2) жиноят судлов фаолиятини самарали бўлишига хизмат қилиш;
- 3) мустақил функция сифатида ниҳоят одил судловни амалга оширишга шарт-шароит яратишдан иборат.

З.Ф. Иноғомжонованинг фикрича, дастлабки терговдаги суд назоратини моҳиятини очиш учун одил судлов фаолияти билан қиёсий тавсифлаш лозим:

- 1) дастлабки терговда қамоққа олишга санкция берган ёки тергов муддатини узайтиришга розилик берган судья ишни судга тайёрлаш ёки уни мазмунан кўришда иштирок эта олмайди.

2) дастлабки терговда юқорида қайд қилинган ваколатларни бажарган ёки унинг қарорларини юқори инстанция судида кўриб чиққан судья айнан шу ишни келгусида яна кўришга ҳақли эмас [5].

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 76-моддасига бу масалани рад қилиш асослари сифатида киритиш лозим, яъни санкция берган судья ишни мазмунан кўришда иштирок этиши мумкин эмас.

А.П. Фоков ҳам шу фикрга қўшилиб, “Жиноят судлов ишларини юритишда суд назоратини принцип даражасига кўтариш ва суд томонидан қонун талаблари бузилган ҳар бир ҳолда уни бартараф қилиш мажбурияти мавжудлигини қайд қилиш лозим”, [6] дейди. Лекин бу принципни бошқарув ёки маъмурий назорат маъносида тушунмаслик керак. Амалиёт ходимлари ўртасида “Суд назорати” деган жумладан чўчиш, жиноят ва жиноят процессуал қонуни либераллашиб бораётган бир даврда “суд назорати” тушунчасини ишлатиш ёки уни принцип даражасига кўтариш ўринлими деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Суд органларининг ташкилий жиҳатдан дастлабки терговда иштирок этиш йўлини кўплаб хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги анча илгарироқ танлаган. Мисол учун, Францияда ва Италияда тергов судьяси, Германия Федератив Республикасида суриштирув судьяси, АҚШ да магистрат ва ҳоказо деб номлаганлар.

Германияда дастлабки терговдаги суд назорати фаолияти икки шаклда олиб борилади. Тергов судьялари айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга ҳамда процессуал мажбурловнинг барча чоралари устидан назорат қилишга ҳақли. Тергов ҳаракати судьянинг кўрсатмасига кўра ўтказилиши мумкин. Шунингдек, қамоққа олишнинг қонунийлиги устидан ҳам суд назорати ўрнатилган.

Дастлабки терговда суд назорати тўғрисида Л.Н. Масленникова қуйидагича фикр билдиради. “Суд назорати – дейди у, – дастлабки терговда суд ҳоқимияти ваколатини амалга ошириш шакли бўлиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни кўриб чиқиб, лозим бўлса бартараф қилиш чораларини кўриш ҳамда қонунларни бузилишини олдини олишга хизмат қилади” [7].

Шунга кўра дастлабки терговдаги суд назоратини икки тури мавжуд дейиш мумкин:

1) огоҳлантирувчи;

2) қайта тикловчи. Булар назоратнинг тури сифатида ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, ҳамда бузилган ҳуқуқни тиклашга хизмат қилади.

Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш учун исботланиши лозим бўлган ҳолатлар судгача бўлган босқичда, суд босқичида, суддан кейинги текшириш босқичида ҳам бир хилда муҳим аҳамият касб этади. Одил судлов биринчи инстанция судига тааллуқли бўлганлиги билан текшириш босқичида ҳукми бекор бўлишига ёки ўзгаришига ҳеч ким кафил бўла олмайди. Одил судловни амалга ошириш вазифасини ҳал қилишга деярли барча жиноят процессининг функциялари хизмат қилади. Шу жумладан “Суд назорати функцияси ҳам одил судловни амалга оширишга хизмат қилувчи функция сифатида вужудга келган, ҳамда жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки терговнинг процессуал ҳужжатларини ва тергов ҳаракатларини қонуний, асосли ҳамда адолатли бўлиши учун ниҳоятда зарур”.

Бу фикр деярли тўғри, шу маънодаки:

1) судгача бўлган фаолиятда суд назорати одил судловни қамраб ола олмайди;

2) суд дастлабки терговда шикоятни кўриб чиқиш ёки тергов ҳаракатларига, процессуал мажбурлов чораларига санкция бергани билан ишни мазмунан ҳал қилиб бермайди;

3) ўз-ўзидан маълумки, бунда шахсни айбдор ёки айбсизлиги масаласи ҳал қилинмайди.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки тергов ва суриштирувда суд назоратини ўрнатиш дегани прокурорнинг бу босқичдаги ваколатидан маҳрум қилиш дегани эмас. Бу ўринда шикоят бериш ёки санкция беришнинг моҳиятига эътиборни қаратадиган бўлсак, аввало шикоят бериш жиноят процесси иштирокчиларининг ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш шакли бўлиб, жиноят судлов ишларини юритиш давомида юзага келадиган муносабатлардан келиб чиқади. Асосий қисмда берилган фикрлардан якуний тўхтамга келиб айтиш мумкинки, жиноят процессида суд назоратининг учта тури мавжуд:

а) дастлабки тергов ва суриштирувда суд назорати;

б) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда суд назорати;

в) ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда суд назорати.

Жиноят процессида амалиётда дастлабки терговда иштирок этган судья амалга ошириши лозим бўлган фаолиятнинг деярли барчаси қамраб олинган. Шунинг учун ҳам яқка тартибда иш кўрувчи судья дастлабки терговда тегишли равишда фақат суд назоратини амалга ошириши зарур. Ишни у мазмунан кўришга ҳақли эмас, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. З.Ф.Иноғомжонова Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. Ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006. –Б.54.

2. Гуськова А.П. Процессуально-правовые и организационные вопросы подготовки к судебному заседанию по УПК РФ. -Оренбург.: 2002. -Б 14.

3. Концепция судебной реформы в Российской Федерации. -М.: 1992. –Б. 44.

4. Лазарева В.А. Судебная власть и ее реализация в уголовном процессе. - Самара.: 2007. –Б. 52.

5. З.Ф.Иноғомжонова Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари. ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2006;.-Б. 68.

6. Фоков А.П. Судебный контроль в России и перспективы. // Российский судья, 2002. -№ 9. –Б. 3.

7. Масленникова Л.Н. Соответствие полномочий судебной власти международным стандартам при расследовании преступлений в России. // Российская правовая система и международное право: Современные проблемы взаимодействия. –Новгород: 1998. –Б. 11.